# МАЪРУЗА:

**Мавзу:** Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини ишлаб чиқиш, стандарт лойиҳалари, техник шартлар ва бошқа меъёр-амалиёт ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби

# Р е ж а :

1. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини ишлаб чиқиш тартиби.
2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш стандарт лойиҳалари, техник шартлар ва бошқа меъёр-амалиёт ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби.
3. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш стандарт лойиҳалари, техник шартлар ва бошқа меъёр-амалиёт ҳужжатларини амалга татбиқ этиш тартиби.

# Ёнғин хавфсизлигига оид қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш

- Ёнғин хавфсизлигига таъминлаш бўйича қонунларни ривожлантириш учун давлат қўмиталари, вазирликлар ва муассасалар ҳар хил меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишади ва амалга татбиқ қилишади.
- Қўлланиш соҳасига қараб ёнғин хавфсизлигига тегишли меъёр ва қоидалар умумийларга ва тармоқийларга бўлинади.
- Умумий меъёр ва қоидалар иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари учун бир хил бўлган энг зарур ёнғин хавфсизлиги талабларини белгилайди.

# Ёнғин хавфсизлиги соҳасида норматив жиҳатдан тартибга солиш

- Ёнғин хавфсизлиги соҳасида норматив жиҳатдан тартибга солиш ижро этилиши шарт бўлган ёнғин хавфсизлиги талабларининг ваколатли органлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек норматив ҳужжатларда белгиланишидир.
- Ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган ёнғин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек норматив ҳужжатлар Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишиб олиниши керак.

## Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

- Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлигини таъминлашга, шу жумладан ёнғин хавфсизлиги талабларини бажаришга доир ҳаракатлардир.
- Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, шунингдек ёнғинларга қарши курашиш тажрибаси, моддалар, материаллар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфлилигига баҳо бериш асосида ишлаб чиқилади.

- Ташкилотлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шу жумладан улар лойиҳалаштирилаётганда ёнғинлар чоғида одамларнинг эвакуация қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки сақлаб қолинишини таъминловчи ечимлар назарда тутилиши керак.
- Аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

# Эътиборингиз учун раҳмат!